


Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

«Мен Ватан деганда Онани, Она деганда Ватанни тушунаман».

Ислон КАРИМОВ



Доно халқимиз доимо уч киши меҳнатини эъзозлайди: ариқ қазиб эл-юртга сув келтирганни, йўл-у кўприк барпо этиб инсонлар мушкул-ни осон қилганни ва шогирд тарбиялаб, унга илм, касб-хунар ўргатган устозни. Гарчи улар амалга ошираётган ишлар ҳар бири айрича бўлса-да, мақсад инсонларга яхшилик қилишдир.

Ўқитувчи ҳақида гап кетар экан, бу касб ҳамма даврларда ҳам машаққатли, масъулиятли, шунинг билан биргаликда шарафли эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Ёш боланинг мурғак кўнглига илк маротаба илм нурини сочиб, уни эл-юрт учун муносиб фарзанд этиб тарбиялагунга қадар қанчадан-қанча меҳнат, масъулият талаб этиши барчамизга маълум... Ҳикоямиз қаҳрамони пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 136-мактаб директори Шоира опа Каримова ана шундай қийин ва машаққатли йўлни танлаганлардан саналадилар.

Шоира опа садоқат билан 35 йилдан буён ўқитувчилик касбини улуғлаб келяптилар.

- Ўзим, касбим ҳақида нима ҳам дердим. Ўқитувчи эканимдан бахтиёрман, фахрланаман. Ўқитувчиликка меҳр болалигимдан бошланган. Оилада етти фарзанд эдик. Мен тўнғич фарзандлигим боис укаларим, сингилларим ҳамда жианларимга ўқитувчи бўлиб дарс ўтардим, уй вазифаларига ёрдамлашар-

дим. Кейинчалик 9-10 синфларда ўқиб юрган кезларим адабиёт фанидан 7-8 синфларга дарс ўтар эдим. Шунинг учун ҳам мактабни тугатгач ҳеч иккиланмай Тошкент Давлат Университетининг филология факультетига ўқишга кирдим.

Шоира опа шу йили тақдир тақозоси билан турмушга ҳам чиқди. Табиатан тиришқоқ, билимга чанқоқ, ғайрат-шижоатга тўла Шоирахон ҳам талабалик кувончлари-ю, оила машаққатларини баробар олиб борди. Тез орада университетнинг жамоат ишларидаги ташаббускорига айланди. Ўқишни битириш арафасида икки фарзандга она бўлишга улгурган эди. Уйлаб қоламан. Ёшликнинг ўзи бунёдкор фасл. Бу фаслда кўнгилда ўт бўлсин. Лекин шундай пайтда инсонда озгина сабъ-ҳаракат, кунт ва чидам бўлмас экан, қизиқишлар ҳам барҳам топади. Шоира опага шу жиҳатдан толе кулиб бокқан.

- Ҳаётимда, ишимда жуда кўп паст-баланд йўللар учраган, агар ирода кучига сунямаганимда бугунги кунга етиб келиш қийин эди. Шу ўринда мен учун азиз ва мўътабар бўлган бир одамни гапириб ўтмасам бўлмайди. Бу одам-менинг қайнонам Инобат ая. Уларнинг катта ёрдамлари ва мададлари билан ҳам ўқишни, ҳам ишни, ҳам бола ва оилани эплаганман, - дейди Шоира опа.

Университетни тугатгач Шоира опа тил ва адабиёт ўқитувчиси, директор ўринбосари вазифаларида ишлади. 1982 йилдан бошлаб 136-мактабга директор этиб тайинланди. Бу ишда у мактабда

1999 - АЁЛЛАР ЙИЛИ

қобилиятли ёшлардан кадрлар тайёрлаш масаласига катта аҳамият берди. Бугунги кунда мактаб жамоасининг 80 фоизи Шоира опанинг шогирдларидир. Ҳар бир ўқувчининг исмини, қизиқишини ва ҳатто оилавий шароитига яхши билади.

- Ўқувчилар ўта қизиқувчан, синчков бўлишадди, - дейди Шоира опа. - Уларга фақатгина билим бериш эмас, балки ҳар бирига оналик меҳрини кўрсатиш зарур. Ёмон бола бўлмайди. Энг шўх, тўполончи, қайсар боланинг ҳам бир яхши томони бўлади. Агар ўқитувчи шу боланинг яхши томонини топиб шунга яраша муомала қилсагина ўқувчи муҳаббатига сазовор бўлади ва бола юрагига йўл топа олади...

Шоира опанинг оиласи ҳам ибратли. Турмуш ўртоғи билан уч нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказишди. 6 нафар неваралари бор. Фарзандларининг бари олий маълумотли. Бири иқтисодчи, бири муаллим, бири шифокор. Опанинг моҳир педагогикдан ташқари, бахтли она, бахтиёр қайнона, пиру бадавлат инсон эканлиги эл эъзозини қозонишида муҳим омил бўлди.

Оқила Райим қизи

ҚУВОНЧ ЎТКИНЧИ, МУСТАҚИЛЛИК АБАДИЙ

МУСТАҚИЛЛИК МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА

1. *Мустақиллик, Эркинлик, Озодликнинг қадрига етиш керак деганда сиз нимани тушунасиз?*
2. *Утган саккиз йил давомида шахсий ҳаётингиз, ишингиз, оилангизда, Сиз яшаётган жойда рўй берган қандай ўзгаришларни алоҳида таъкидлаган бўлар эдингиз? Ватанимиз истиқболи, фарзандларингиз келажигини қандай тасаввур этасиз? Улар тақдирини ўйлаганда кўнглингиздан нималар кечади? Зиммангиздаги бу борадаги вазифа ва масъулиятни қандай англайсиз?*
3. *Ўзбекистоннинг эртанги кунини ва унда ўз ўрнингизни қандай тасаввур қиласиз? Ватанпарварлик ва миллий ғурур-сизни нималарга давват этади?*

БУ КУНЛАРГА ЕТКАЗГАНИГА ШУҚР...



1. Биз университетда ўқиганда, масалан, Ясавий ва Нақшбандий деган номлар тилга олинарди. Аммо, реакциялар руҳонийлар сифатида. Реакцион... Демак, революцион эмас, яъни, жамиятни адолатли қонунлар асосида қайта қуришни истовчилар эмас, балки уни ўша асрлар "жаҳолатида" сақловчилар сифатида ўқитилар, биз: "Шунақа экан-да" деб уларни тўтиқушдек такрорлар эдик.

Кейин билсак, яъни Мустақилликдан кейин уларнинг меросига эҳтисоб қарасак, ҳақиқий инсоний ахлоқни, қадриятларни, иймонли ва виждонли бўлишни ўшалар ташвиқ қилишган экан: улар - буюк, оламшумул алломаларимиз экан..

Биз буни билмай ўтиб кетишимиз мумкин экан-ки, хайрият, Мустақиллик эълон бўлди, Ватанимиз озод бўлди, Ўзлимизни таниш имконияти туғилди: шу аснода биз ўзимиз ҳам қайтадан туғилаймиз.

Гап шундоқ экан, бу кунларнинг қадрига етиш керак, деган гапнинг ўзи ортиқча туюлади: бу кунларни етказганимизга шуқр, дейиш керак.

Мен миллий маънавиятимиз пойдеворини қуриб кетганлардан икки алломанинг номларини тилга олдим: уларнинг сони бор - саногий

йўқ. Бир нарса фактдирки, ўтган ҳар бир олим уламо, шоиру - шуаро, сўфий ва мутасаввуфларимиз ҳақида ҳам юқоридаги қадрият ва иймон ҳақидаги гапларни такрорлашим мумкин.

2. Мен Мустақиллик эълон этилишидан икки йил олдин ҳалқ оғзаки ижодидан (дostonларни қиёсий ўрганиш масаласида) филология фанлари номзодлиги ишини ёқлаганман.

Ишим Москвада тасдиқдан ўтган. Бу деганим - илмий ишни ҳам, авторефератни ҳам ўзбек тилида ёзиб, сўнгра русчага ағдартирганман, бу орада маблағдан ташқари қанча асаб кетган, қанча изтироблар чекилган - Москванинг қовоғига қаралган ва жонингни ховучлаб кутгансан натижасини...

Қизиқ-да: ўзбек халқ дostonларига алоқадор масалаларнинг тўғри ёки нотўғри ҳал қилинганини Москва ҳал қилар эди: яхшиям ҳал қилди. Аммо, "ҳал қилмаслиги" ҳам мумкин эди: бундай воқеалар ҳар қадамда бўлиб турарди...

Хозир-чи? Марҳамат, ўзимизнинг Академия, унинг илмий даргоҳлари! Ўз тилингда ёз! Ўз тилингда қанчалик тўғри, аниқ қилиб ёзсанг, шунчалик хурсанд бўлишад ва хурсанд қилишад сени... Вей, бу - Оллоҳнинг неъматидай гап-ку!

Шунинг учун, сизга айтсам, фарзандларимнинг (иккита ўғлимиз бор) ўз она тилларида тоза сўзлашишлари ҳам қаттиқ эътибор бераман: улар ҳам, ҳудода шуқр, бийрон гапиришади... Энди, уларнинг тарбияси ҳақида сўзлайдиган бўлсам, биринчи навбатда, мендан ақллироқ, тад-

бирлироқ, пишиқроқ бўлсин дейман-да! Қолаверса, ўзга тилларни ҳам яхши ўргансин, замонавий талаблар даражасида саводли бўлсин, дейман-да!

Тагин: жуда маданиятли бўлишларини истаيمان. Кузатганмисиз: маданиятли одамларгина орлиномусли бўлишади, шундай одамларгина Ватанинг, Халқнинг ҳам қадрига етишади. Шундай одамларгина: "Мен - шу юрт фарзандиман!" деб фахрланишади: унинг ўтмиши билан ҳам, ҳозир билан ҳам. Табиийки, Истиқбол учун қурашувчилар ҳам шундай инсонлардан чиқари.


3. Ўзбекистонимнинг эртаси - порлоқ эканига зигирча шубҳа қилмайман. Ана шунинг учун унинг тинчликда камол топишини Оллоҳдан тилайман: илоё, унинг шаънига гард кўнмасин, қора булутлар олис гўшаларига ҳам соя солмасин.

Ажаб, бир нарсани яхши кўрсанг, унинг тақдирини ҳақида ҳаргиз қайғурар экансан..


Айниқса, Ватан ҳақида қайғуриш (майли, кўлингдан кўп иш келмаса ҳам!) жуда роҳатбахш бўлар экан.

Дарвоқе, мен олийгоҳда муаллима бўлиб ишлаяпман: ўзим билган, ўзим учун сабоқ деб ишонган ҳақиқатларимни талабаларимга ҳам етказишга ҳаракат қиламан: бошқача бўлиши ҳам мумкинми?

САЙЁРА ХОЛМИРЗАЕВА
Тошкент давлат Аграр
Университетининг
катта ўқитувчиси, филология фанлари номзоди.



ГАЗЕТХОНЛАР ИЖОДИДАН



ИСТИҚЛОЛДАН ЯЙРАЙДИ ДИЛИМ

Ўзбекистон, Она-Ватаним, Сенинг учун фидо жон-танзим. Томиримда оқажак қоним, Қиёси йўқ гўзал маконим!

Шарафингни куйлайди тилим, Истиқлолдан яйрайди дилим, О, ўтмиши дилпора элим, Шонга ботсин бутун жаҳонинг!

Буюк халқим, шу онлар ҳаққи, Халоскор мард-майдонлар ҳаққи, Эрк йўлида қурбонлар ҳаққи, Хушёр бўл эй-шавкатим шоним!

Бор хиёнат, сотқин ҳар замон, Пойин қирқиш фарзиди беомон. Хушёрлигини йўқотган ёмон, Сергак тургин, жасур посбоним!

Ўзга юртда подшо бўлгандан, Ўзга боғда гулдай сўлгандан. Ўзга тупроқ кўзга тўлгандан, Гадоқ бўлай, йўқдир армоним!

Ватаним, наслимни сўрсалар, Майли харитани кўрсалар. Фахрли юртимдир-Ўзбекистоним, Насл-насабим турку Туроним!

ЎЗОҚБОЙ МИСЛИБОВЕВ,
Самарқанд вилояти,
Пайриқ тумани.



"ГУЛБОҒ" ДА ТАДБИР

Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмиталари ҳамкорлигида Зангиота жамоа хўжалигининг "Гулбоғ" дала шийпониди Аёллар йили Дастури асосида семинар бўлиб ўтди. Бош Вазир ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Дилбар Фуломов "Хотин-қизларнинг демократик жамиятдаги ҳуқуқлари ва ўрни" мавзусида маъруза қилди. Маърузачи асосий эътиборни ҳуқуқимиз ва Президентимиз томонидан аёлларга кўрсатилаётган алоҳида эътибор ва белгиланаётган имтиёزلарга қаратди. Кўп ҳол-

ларда жойларда хотин-қизлар ўзларига яратилган имкониятлардан тўлиқ фойдалана олмайдилар, ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билмайдилар. Жойлардаги хотин-қизлар кўмиталари, халқ таълими бошқармалари, "Маҳалла", "Камолот" жамғармалари ҳамкорликда хотин-қизлар ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича иш олиб боришлари зарур.

Хотин-қизлар ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида кўйи хотин-қизлар кўмиталарининг ҳам масъулияти каттадир. Тошкент шаҳар ҳоким муовини, хотин-қизлар кўмитаси раиси Фариди Абдурахимованинг маърузаси ана шу муҳим мавзуга бағишланди.

Хотин-қизлар қонунлардан бе-хабарликлари, ҳуқуқий билимлари

йўқлиги сабабли ҳуқуқбузарликларга йўл қўядилар. Оқибатда табиатнинг энг олий мўъжизаси бўлмиш Аёлга жиноятчи деган тавқи лаънат таъғиси босилади. Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғи муовини Муҳиддин Ўтбосаров ўз сўзида вилоят хотин-қизлари орасидаги жиноятчиликнинг аҳоли ва унинг сабабларини батафсил шарҳлаб берди.

Шунингдек, семинар иштирокчилари республика ҳуқуқий-маърифий марказ бўлим бошлиғи М.Бобожонова, бош мутахассис, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди М.Фуломов, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети кафедра мудири, ҳуқуқшунослик фанлари доктори О.Каримоваларнинг "Хотин-

ХОТИН-ҚИЗЛАР КЎМИТАЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН

қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш давр талаби", "Виждон эркинлиги ва маҳаллалардаги таълим-тарбия масалалари", "Оиладаги ҳуқуқий тарбия" мавзуларидаги суҳбатларини тингладилар ва ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олдилар. Сўлим "Гулбоғ" кўйнидаги қизгин баҳслар, фикр алмашувлар узоқ давом этди.

- Бугунги семинаримиз ҳар бир иштирокчи учун ниҳоятда фойдали бўлди, деди тадбирга яқун ясаркан Тошкент вилояти ҳоким муовини, хотин-қизлар кўмитаси раиси Сайёра Хўжаева. - Бу тадбиримиз хотин-қизлар билан ишлашда, уларнинг ҳуқуқий билимларини оширишда катта ёрдам бериши шубҳасиздир.
Зулхумор ЖҲРАЕВА

ОИЛА ТИНЧЛИГИ-ВАТАН ТИНЧЛИГИ

ИСТИҚЛОЛ ВА АЁЛ



Бугунги аёл-истиқлол киши...

сий, ижтимоий ҳаётида катта бурилиш...

- Насиба опа, аёлнинг дунёқараш...

- Истиқлол аёлларимизга барча им...

- Ҳамма ҳавас қилгудек мустақам...

вишланасан киши.

- Биласизми, мен гоҳо ортимга бир...

Кўпича болаларимнинг отаси ишдан...

- Атиргулнинг хирмони аллаё, Сен...

Назаримда биз яна битта ҳақиқатни...

- Насиба опа, ҳар бир аёл зимма...

- Бир воқеа ёдимга тушди. Ишдан...

Каранг, қадимий манбаларда ёзил...

ўз қизини турмушга узатаётиб, унга шун...

- Сиз педагогик вазифасида кўп...

- Очиғини айтганда, истиқлол аёл...

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА сўҳбат қурди.

"Оила ва жамият" га...

ТАШРИФЛАРИНГИЗДАН БИРИ...

Редакцияга олтимиз ёшлардан ошган...

- Хотиним билан иккаламиз ҳам бир умр...

- Нега оила бундай аҳволга тушиб қолди?

- Бундай аҳвол тўрт - беш йилдан буён...

- Аёлингиз ўзлари ҳам дўхтир эканлар...

- Мен ҳам шуни истайман, ахир, Чой...

- Ҳа, не қилайки, хотинимни тарбияла...

- Газетамизни аёлингиз ўқийдиларми?

қизикмайди. Бунақа одат йўқ, унда...

Ака хайрлашиб кетдилар. Дил ҳарат...

МАКТУБЛАРИНГИЗДАН БИРИ...

Аёлларнинг энг севимли маслаҳатгўйига...

Мен Республика қишлоқ ва сув ўзқалғи...

Булларнинг қилаётган ишлари урушдан...

Таҳририятдан:

Қадри Д. Расулова Жонқуярлик билан ёзилган...

Шунингдек, Сиз тилга олган ва фикр...

ноқор эканлиги, ўзгаларни ҳам тўғри...

Донишманд шунда: "Тўғри, унинг гуноҳи...

"Айбисиз ёлғиз парвардигор", - деб...

Бутун Олам сарвари Оллоҳ таоло энг...

Булар орасида инсоннинг ўз-ўзи олдида...

У ана шундай бир ҳолатда - виждон...

"Мен бўлганда шунча заноу зийнатга...

"Мен ўй қўйган ҳатони бошқалар...

Бундай одамларга афроғдай барча...

"Одам тафтини одам олади, дейдилар",

Дилбар САЙДОВА

АЛПОМИШНИ ҲУРАМИЗ

"Алпомиш" дostonи шу қадар қадимийки, унда ибтидоий уруғчилик даврларига хос воқеалар ҳам, ўлкамизга Ислom дини ёйилаётган пайтларга хос бўлган "шаърий янгиликлар" ҳам, кейин-Ўзбек давлатчилигига мансуб гоҳлар ва шу гоҳларнинг рўёби ақс этган манзаралар ҳам бор.

Дostonнинг бундайлигига сабаб-унинг мoзийдан шу қунларимизгача оғиздан оғизга ўтиб бахшлар томонидан айтиб келингани, яъни жамиятдаги деярли барча қатламлардан ўтаркан, ўша қатламларга тегишли воқеа-ҳодисаларни у ёки бу даражада беихтиёр ўз қамровига олганидир.

Шу маънода "Алпомиш"-дostonларнинг дostonи-гултожи деб аталади.

Ана шундай дostonимиз Мустанқиллик давригача ҳоким мафкура талаби билан қораланиб, ҳатто ўқиш ҳам таъқиқланиб келинди. Хайриятки, фидойи фольклорчиларимиз бор эди-улар дostonнинг йўқолиб кетишига йўл қўймадилар, аксинча: ўша таъқиқлар остида ҳам унинг турли нусхаларини ёзиб олишда давом этдилар.

Ҳоким мафкура қорчалонлари унга нима айб қўйишар эди? Жуда оддий: дoston хонларни, бекарларни улуғлаган. Демак, халққа қарши-реакцион асар бу!

Холбуки, дostonда халқимизга хос энг олий фазилатлар - Ватанга меҳр, Ёрга садоқат, Элнинг тинчилигини ва бирлигини таъминлаш учун кураш, номард ёвларга нафрат... қўйланади.

Бу йил октябрь ойида "Алпомиш"нинг юбилейини нишонлаймиз. Бу улуг қадриятимизга бўлган эҳтиромимизни изҳор қиламиз.

Ана шу муносабат билан биз "Алпомиш"нинг мухтасар мазмунини билан газетхонларимизни таништиришга ҳажм этдик.

Бу ишни айни шу дoston бўйича номзодликни ёқлаган олима Сайёра ХОЛМИРЗАЕВА адо этади.

ТАХРИРИЯТ

АЛПОМИШ

Мазмуни'

Биринчи қисм.

Қадим деган замонда Бойсун мамлакатда Бойбўри билан Бойсари ўтган ака-ука яшар эди. Бойбўри - ўн олти уруғ Кўнғирот элининг хони, Бойсари ўн минг уйли кўнғиротларнинг беги-бийи эди. Улар бефарзанд эдилар. Ниҳоят, бир куни фарзандли бўлишди: Бойбўри уғилли бўлди-унга Ҳакимбек деб от қўйдилар, Бойсари қизли бўлди - унга Барчиной деб ном қўйдилар.

Кейин, ўша замон урфига кўра, уларни беширти қилиб, яъни кулоқларини тишлаб: "Қатта бўлганларида эр-хотин бўлсинлар. Мардликда Ҳакимбек билан, гўзалликда Барчиной билан ҳеч ким тенг кела олмасин", деб дуо қилдилар.

Ешлар ўса бошлади. Кейин уларни мактабга беришди.

Ўн икки ёшга киришганда, улар ўқув-ёзувни ўрганиб, мулла бўлишди. Сўнгра Бойбўри ўғлига айтди: "Ўғлим, саводинг чиқди. Энди хонлик, сипоҳлик илмини ўрганасан!" Бойсари ҳам кизига айтди: "Барчиной, сен ҳам мулла қиз бўлдинг. Энди кўй соғишни, чорва илмини ўрганасан!" Шундай қилиб, Ҳакимбекни номдор сипоҳларга беришди, Барчинойни Кўкқамиш кўли бўйидаги кўйчўпонлар кўноғига жўнатишди.

Яна йиллар ўтди. Ҳакимбек пахлавон йигит бўлди. Бош бобосидан қолган "ўн тўрт ботом бичридан бўлган патли ёйни" отиб, битта ўқи билан Аскаротнинг бир чўққисини кўчириб юбордики, унга "алп" унвони берилиб, Алпомиш атала бошлади. Ўша замон удумига кўра Барчиной ҳам кўй соғиш, рўзгор тутиш илмидан ташқари ёй отиш, от миниш, кураш тушишни ҳам ўрганар эди: у ҳам бир алпдан қолишмайдиган бойбича бўлиб етишди.



Бир куни Бойбўри ўз яқинлари билан ўтирганида Алпомишни сўроққа тутиб қолди: "Қани, бу оламда киши дегани нимадан бахил бўлади, нимадан саҳий бўлади?" Алпомиш жавоб берди: "Вақт-бевақт бировнигина меҳмон келса, отини ушлаб (уйидан жой бериб), кўнглини хушлаб жўнатса, ундай одам саҳий бўлади". "Яна?" деб сўради ота. "Яна кишининг моли закотга етса-ю, сизга закот берса, у ҳам саҳий бўлади..."

Бойбўри бу гапни эшитиб хайрон бўлиб қолди: "Элим менга закот берса, мен кимга закот бераман?"

Охири у мулозимлари билан кенгашиб: "Майли, укам Бойсари менга закот берсин. Ишқилиб, бахилга чиқмасин. Битта дирриқ улоқ берса бўлгани", деган қарорга келди-да, ўн тўрт махрамини укасининг овулига жўнатди.

Укаси Бойсари ҳаддан ортиқ бой, унинг бийлигида яшаётган ўн минг уйли кўнғиротларнинг камбағалдан деганида қирқ минг кўй бўлгич эди. Бойбўрининг махрамлари Кўкқамиш кўлига етганда, Бойсари яқин одамлари билан қимиз ичиб, шағал маст бўлиб ўтирган эди. Отларининг бўйига тилла қўтос (думи) боғланган меҳмонларни кўриб, отларини ушлади, даврага таклиф қилди.

Аmmo уларнинг ташрифи сабабини эшитиб, донг қотиб қолди: "Бизнинг элда шу пайтгача закот деган нарса бўлмаган. Қаердан топди бу гапни акам?" деб бошини ушлаб қолди. Махрамлари унга закот нималигини тушунтирган бўлишди. Аммо у кулоқ солмади: "Акам мендан закот олса, сизлардан ҳам олади", деб тоза бегозга бўлди. Кейин жаҳли чиққани шунчаликки, анави махрамларнинг кулоқ-бурнини кесиб, отларига чаппа миндириб: "Мана, акамга закот", деб қайтариб юборди. Ниҳоят, тўлиқиб, кўзига ёш олиб, элга мурожаат қилди:

Маслаҳат бер, ўн минг уйли қариндош!
Кўрсин Алпомиши мулла бўлибди,
Безакот молларни ҳаром билибди,
Ўз акамдан молга закот келибди,
Маслаҳат бер, ўн минг уйли қариндош...
Муна элди мен ҳам бекман, тўраман,
Ҳар-на қисмат ёзигимдан кўраман,
Ўз акамга қандай закот бераман?
Ўз акамга ўзим закот бергунча,
Қалмоқ зорик, жузья бериб юраман...

Элнинг оқсоқоллари Бойсарининг фикрини маъқул топиб, закот ўлашни ўзларига ор билиб, энг жўяли маслаҳатчи Яртийоб оқсоқола қарайдилар. Яртийоб уларни фикрини шундай айтиб турган экан:

Ушбу дамнинг дамларини дам дема,
Бошинг эсон, давлатингни кам дема,
Кетар бўлсанг Қалмоқларнинг юртига,
Бул элатни қолар деб ҳам ғам ема.
Қайга кўчсанг, бизлар бирга борамиз,
Қайга борсанг, сенинг билан бўламиз.

Шундай қилиб, Бойсари бошчилигида ўн минг уйли кўнғиротлар Бойсун элидан-Кўкқамиш кўли бўйларидан Қалмоқ-Кашал томонга кўча бошлади.

ИЗОҲЛАР:

1. "Алпомиш" дostonининг ўзбекчада 40 дан ортиқ нусхаси бўлиб, улар турли йилларда турли бахшлардан ёзиб олинган ва мазмун бoбидa бир-биридан фарқ қиладиган жойлари ҳам бор. Бундан ташқари, "Алпомиш"нинг бошқа туркий халқлар тилида айтиладиган Олтойча, Бошқирдча, Татарча, Қозоқча, Қорақалпоқча (халтo арабча ва тожикча) нусхалари ҳам бор. Шунинг учун бу ўзбек дostonи айни чоғда туркий халқларнинг умумий бойлиги ҳисобланади.
2. Биз шарҳлаётган мазмун - "Алпомиш"нинг энг муқаммал ва бадий жиҳатдан юксак нусхаси - булунғурлик машҳур баҳши Фозил Йўлдошдан 1928 йилда ёзиб олинган нусхасининг қисқача мазмунидир.
3. "Закот" нималигини билмаслик - Бойсун-Кўнғирот элининг ҳали ислом динини тўла қабул қилиб улгурганини кўрсатади. Шунга назаран ҳам дostonнинг тахминий ёшини айтиш мумкин... Аммо олимлар ҳозирча 1000 йилда туғилган. Иншооллоҳ, яна ўйлаб кўрилади.

(Давоми бор).

(Боши ўтган сонда). КUNЛАРИНИНГ БИРИДА

"Мен нима қилибман, мана манаови қилди ҳаммасини" - деб Маҳкамни кўрсатди. "Сен тушунтирсанг ўларминг, овоз чиқарма, отга ўхшаб пишиллама деб", - ёпиридик ҳаммамиз Турғунга. Маълум бўлишича, биз пайкалга кириб кетгандан сўнгра, улар саёз экилган жойда турганлиги учун Маҳкам энгшиб саёзнинг посидан тортиб учта-тўртта саёз юлиб олибди-да, дарвоқо, болалар излаган нарса шу бўлса керак деб бор овозини чиқариб, бизни чақирган экан. Нима қилсин бечора, эшитмаса, гапира олмас. Гўё ҳеч нарса бўлмагандай гунг ўртоғимиз ўзи олиб келган ўлжанинг биттасини артиб, тозалаб қарсиллатиб ейиш билан овора эди. "Ўзи чап томонимиз билан турган эканимиз, шекилли ҳаммамиз", - нола қилди Эсон. "Эҳ, ишинг белига телмаганда, яна бир-иккита топар эдим", - деб иккита хандалакни қўчқоқиб турган Илаш, Маҳкамга қаради. "Ҳалиям бизлар битта-иккитадан олиб келдик-ку, баъзиларга ўхшаб чумчүк пир этса, юрагимиз шир этиб, зўрға етиб келмадик-ку бу ерга", - шама қилди Жуманбой қуруқ келганларга қараб. "Чумчүкнинг пир этганими, сенга шу нақ паравоз гудок қалгандай наъра тортиб юборди-ку бунинг", - қуруқ қайтганларнинг тарафини олиб, ўзимизни оқламоқчи бўлдим мен. "Бўпти энди тортишувни бас қилайлик-қани хандалакларни олиб келинган-чи, бир тузини кўрайлик", - деди Мирза ҳазил аралаш. Беш-олтитача хандалакни таллашиб-тортишиб едикда, "эканган раҳмат, еганга ҳам раҳмат", деб даврамизга фотиҳа қилдик.

"Энди жўралар, бу каби ишларни бас қилайлик, тўғри келмас экан бизларга", - деб Мирза бизларга қаради.

"Бўлди келишдик", - деди Эсон ҳамма учун жавоб бериб.

Эртаси куни кўнглим хижил бўлиб ўйгондим. Нонушта қилиб бўлиб далага жунамоқчи бўлиб турган эдим, дадам: "Ўғлим, сен бутун ҳам, уйда қолақол, онангни айтишича, ишларинг ҳам анча енгиллашиб қолганга ўхшайди. Маккани суғормасанг бўлмайди. Анча сувталаб бўлиб қолибди, қулқоқ бошига борганда, сув ҳайда келиб, шу ишни баҳарлиб қўй", деб дадам эшгагина мианиб, ишга кетди. Тайинланган юмушларни баҳариб, кечки пайт подадан сигиримизни ҳайдаб келиш учун кўча бошига чиқдим. Пода қайтишидан бир соат, ярим соат олдин чиқиб, ўйинга тўймас болалар анча ёзилиб ўйнаб олар эди. Подаларнинг қайтишига ҳали бироз фурсат борлиги учун, беш-олти болалар ўйин билан банд, уч-тўртта қизлар эса, гурунлашиб билан банд эди. Мен ҳам болаларга қўшилиш мақсадида, улар тўдасига қараб йўл олдим. Абдували ҳам болалар ораси-

НАВОБДАН ҚУРҚИБ

экан, д а

бир ёвқараш қилди-да, "Ҳа, найранғоз келдингми, сен билан ўзим хисоб-китоб қилар эдим, лекин кўлимни сенинг ифлос қилишинг туфайли ифлос қилишни истайман", - шундай деб мена терс ўрилди-да, болаларга мени кўрсатиб алланарсаларни тушунтира бошлади. Англадимки, кечаги воқеани Усмон болаларга айтибди, демак иш чатоқ. Усмонга ишонган эдим-а. Бошга тушганини кўз кўради деб, подадан сигирини ҳайдаб келиб, оғилхонага боғладим, кечки овқатни апил-тапил еб, болалар тўпладиган жойга, юрагим тақа-пуқа бўлиб чиқиб бордим. Борсам Мирза, Абдували, Эсон ҳали келишмабди. Қолган болалар шу ерда, кечаги воқеани тахлил қилиб ўтиришган бўлса керак, саломимга ҳеч ким алик олмади, жавоб қайтарилмади. Ҳаммаси мени энди кўриб тургандай, қизиқибми, ачиниби, тикилиб турар эди. Харҳолда ачиниш бўлса керак, шундай ўйладим. Қолган болалар ҳам бирин-кетин келиб жамоа тўлиқ ҳолатга келди. Кейин келган болалар ҳам, мен билан саломлашмади. Мен борман-ми, йўқманми эътиборсиз эди улар. "Ҳамма йиғилган бўлса, - гап бошлади Мирза, - орамиздан, яъни ичимиздан бизни бир пулга олмайдиган ўз жонини ўйлаб, керак бўлса дўстларини жарга итариб юборадиган, одам чиқди". "Одам дема уни", - луқма ташлади Абдували. "Бунақаларни уруш вақтида "сотқин", "Ватан хоини" дейишган", - деб Илаш менга ҳаҳ билан қаради. "Бундайларни музқора қилмасдан отиб ташлашган", - деб Жуманбой қўлни бизга қилди мен томонга.

"Ууллас, Тош, болаларнинг фикрини эшитдинг. Агар қўйиб берса булар тилка-порангни чиқаришдан ҳам тойишмайди. Биз болалар билан кенгашиб, шундай қарорга келдик, бугундан эътиборан, бизнинг даврани тарк этасан. Илоҳи борича бизнинг кўзимизга кўринмасликка ҳаракат қил. Энди бизни кеңирасан ҳали болалар айтгандай, сотқинми, хоинми биз шундай бола билан бирга бўлмаймиз. Ҳўҳ хайр бўлмаса, бир тевқни шикқилатиб қол-чи", - деди Мирза овозини бир поғона кўтариб. Қандай ҳолатга тушганимни фақат ўзим биларан.

Секин қайрилиб болалардан озоқлаша бошладим. Бошим эгик, димоғимга бир нарса тикилгандай, қўйилиб келаётган кўз ёшларим эса, унинг пардаларини тўсиб бутун оламни хира қилган, кетаётган йўлим ҳам қоронғи зимистон эди.

Мана шу дўстларимга нисбатан ўйлашдан ўз жонимни ўйлаб, қилган ишимга ҳам, қирқ йилдан ошиб қолибди. Ҳамон ўша даврани эсласам, ўзимдан нафратланиб кетарман. Тақдир тақозоси билан бир-икки йилдан кейин, шаҳарга кўчиб кетдик. Ҳозир дўстларим билан алоқам яхши. Икки йил-уч йилда бир бориб тураман. Улар ҳам келиб туришади. Қувончли, қайғули қунларимизда, бир-биримизни сўроқлаб, дараклаб тураемиз. Бориб қолган пайтларимда, қизқоч очиб, кутиб олишад. Қўшқол одамларнинг бағри кенг эмасми, меҳмоннавозликда ҳам уларнинг олдига тушадигани йўқ, менимча. Дўстлар билан тун яримлагунча, чақ-чақлашиб вақтинг қандай ўтганини билмай қоламиз. Болалик даврларимизни эслашамиз, ўтган-кетганларни едга оламиз. Айниқса гап айланиб бориб юқоридоғи баён қилинган воқеага тақалладиган бўлса, ўзимни ноқулай сезаман, тезроқ гап мавзуси, ўзгарса дейман. Дўстларим олдида ноқулай аҳволда қоламан. Бунга ўзлари ҳам сезишса керак, дарров гап мавзусини ўзгаришиб юборишади. Болалик тафаккуримда қандайдир бир арзимас иш бўлиб туялгандай менга, лекин йиллар ўтиши билан жуда бир ёмон иш қилиб қўйгандай, ҳис қиламан ўзимни. Бу дўстларимга нисбатан қилган қилишимим, болаликда, дўстликка бир ҳиёнатдай бўлиб туялоламан ҳамон.

Дўстларим олдида, қандайдир ўзимни қарздордай сезаман. Дўстликка, болаликка, умуман одамларнинг бир-бирларига бўлган ишончларига, меҳр-оқибатларига дарз тушмасин экан.

Тoшўлат Пaрдa ўғлu.
Ангрен Ҳахри

ҒАМДАН ЁШЛАМА КЎЗИНГ

"ҚАНДАЙ ҚИЛИБ БОШ КЎТАРИБ ЮРАМАН"-1-сон

"Нелар тушмас йигит бошимга..."

Комил Аваз

И.га

Бир йигитнинг гул умри, Кул бўлди-я, кул бўлди. Йигирмадан ошмаёқ Тул бўлди-я, тул бўлди. Дунё деган қасрнинг Ва ундаги амирнинг Иньоми ҳам тақдирнинг Шул бўлди-я, шул бўлди. Фарштамас гул юз ҳам, Ялтироқ эрур муз ҳам... Шунча бўлурму қиз ҳам? Ул бўлди-я, ул бўлди. Фожиамас, хиёнат Ҳали олдидадир омад Собир бўл, сабру тоқат Қил бўлди-я, қил бўлди. Ғамдан ёшлама кўзинг, Элга айтиб дард-сўзинг Юрак зорин бир ўзинг-Бил бўлди-я, бил бўлди.

Ғуллом БОБОЖОНОВ,
Хоразм вилояти,
Янгиариқ тумани.

БАХТ ТИЛАНГ-У, БАХТИНГИЗНИ УНУТМАНГ

"ЭНДИ УНГА БАХТ ТИЛАЙМАН"-13-сон

...Гулчехрахон, Сизнинг дил изхорингизни ўқир эканман, ҳаётингизни беихтиёр ўзимникига ўхшатдим. Қалбимдан кечаётган фикрларга ўхшаш фикрлар яна кимнингдир ҳам кўнглингда кечаётганлигини билиб - сизга ўз фикрларимни ёзишга мажбур бўлдим. Гулчехрахон, мен сизга ўз ҳаётимдан битта мисол келтирсам, фақат уни ўқиб ўзингизни қўй бола ўрнига мени йигит киши ўрнига қўйиб хулоса чиқарсангиз, буни мен сизга берган маслаҳатим деб билардим.

Исми Акмал. Ёшим 20 да. Самарқанд вилоятданман. Мактабда ўқиб юрган вақтларимда, 9-синфдалигимда бир қизни яхши кўрардим. Д. исми бу қиз ўзимизнинг маҳалламиздан эди. Биз бир-бирларимизни севардим. У билан бўлган муносабатимни унинг ҳам, менинг ҳам ота-онам билар эди. 1996 йил мактабни битиргач Тошкента ўқшга келдим. Уша йили Тошкент Алоқа коллежидан сиртдан ўқиб бошладим. Лекин бу ўқиб мени қониқтирмади. "Йигит киши ХХ1 асрда малакали, олий маълумотли, яхши касб эгаси бўлиш керак" деган фикрлар мени 1998 йил Тошкент электро-техника Алоқа институтининг талабаси бўлишимга сабабчи бўлди.

Лекин бир томондан бу орзуларимга қанчалик яқинлашганим сари, ўша қиздан шунчалик узоқлашиб борардим. Уни энди тобора кам кўраганим бўлиб қолдим. Фақатгина Самарқандга, уйга боргандагина учрашардик ҳолос.

Баъзан ўқилиш давомида кўп қиларни менга ўзини яқин киши қилиб кўрсатаятган характерларини ҳам сезардим. Ле-

кин Д.ни қаттиқ севганлигим учун ҳеч бир қизни унга қийслаш олмадим. Д. сиз ҳаётимни ҳам тасаввур қила олмадим. Орзуларим, умидларим фақатгина Д. билан эди. Ҳатто бир кун рус тили дарсида "энг семимли кишим" мавзуда ёзган ишом ҳам гуруҳимдан энг яхшиси бўлиб қиди. Сабаби Д.нинг хислатлари, фазилатлари иншоми ўзига жо этган эди. Ушанда мен орзу қилган қиз шу эканлигига яна бир марта ишонган эдим...

Лекин бу орзуларим, севганим билан бир умр бирга бўлиш бугун кўнглимда армон бўлиб қолган...

Қиши таътилда юрагим орзу-умидларга тўлиб Самарқандга уйга бордим. Лекин уйда онамнинг "Д.га совчилар келаятган эмиш, ота-онаси ҳам рози бўлаётган эмиш..." деган гапларини эшитиб нима деб жавоб беришимни билмай қолдим. Д. билан бу ҳақда гаплашиб олишга қарор қилдим. Лекин Д. мекхонга кетганлиги сабабли у билан унраша олмади, буни афсусланиб-афсусланиб Наврўзги таътилга қолдириб, Тошкентга кетишга мажбур бўлдим. Энди Наврўзги таътилни интизорлик билан кутар эдим. Ую-фиқрларимни баҳорги байрам ағалларим эди.

Наврўз ҳам келди. Чизган суратларимни, расмларимни, шеърларимни йигиб Самарқандга шошилардим...

Лекин бу байрам, бу таътил мен учун эмас эди. Ҳаммасига энди кеч бўлган эди. Ҳаётда нима учун бунчалик қийнаётганлигини англаб етолмасдим.

Уша кунининг гапларини эшитар эдим, кўз олдимда нималар бўлаётганли-

гини тушуна олмадим. Тилимга "нега?" деган сўздан бошқа сўз келмасди...

- Д. нега ундай қилдинг?...
- ... Ота-онам мажбурлашди... Сизни шунча кутдим... (ҳали 18 ёшга шу йил тўлади) Розии бўлганимга афсусланаман... энди менга бахт тиланг...

Кўзларига тикилганча эшитаятган гапларимга ишонгим келмасди. Фақатгина охири марта жимлайишга термулиб, нозик бармоқларини ушлаб "Бахтли бўлгин" дея олдим ҳолос.

Энди чизган суратларимни кимга бераман? Ёзган шеърларимни кимга ўқатаман? Наҳотки тақдирим шунчалик бўлса? Бу каби саволлар энди мен учун жавобсиз эди.

Гарчи Д. билан бўлган муносабатим шундай бўлиб қолганига минг афсус қилсам-да, тақдир, ҳаёт йули шундай экан. Мен ўзимни бахтсиз демадим. Тўғрироғи, "бахтсизман", - дейишга тилим бормади. Энди Д. учун, ширин хотиралар учун, орзуларим учун, ота-онамнинг энг фажрли фарзанди бўлиш учун фақат ва фақатгина - "аъло" баҳоларга ўқшига қарор қилдим. Бахтимни энди фақат порлок келажакимдан кутаман!

Гулчехрахон, гапимнинг хулосаси қилиб шуни айтмоқчиманки, бу дунёдан ҳеч қачон ноумид бўлманг. Қолаверса, ҳўснли, ақлли қиз экансиз, ҳеч қачон бахтсиз бўлишга ҳақингиз йўқ деб ҳисоблайман. Келажакда шундай бахтли қиз эканлигингизни ҳис қилсангиз, менинг гапларимни бир эсласангиз шунинг ўзи етарли.

Акмал УМРЗОҚОВ,
Тошкент Электроника алоқа институтининг "Иқтисодиёт" факультети 1-курс талабаси

ИККАЛАНГИЗДАН ҲАМ НАФРАТЛАНДИМ

"ЧИРОЙИМ БОШИМГА ЕТДИ"-27-сон

Садаф опа!

"Дил изхоримни ўқиган барча кишилар мендан нафратланиб, мени ёмонлаб уяттириб, салбий муносабат билдиришади", - дебсиз. Менимча бу турган гап. Мен иккалангиздан ҳам (сиз ва О. акангиз) нафратландим.

Лекин эркак чандон суюқ бўлсин, иштиёқи чандон баланд бўлсин, аёл киши изн бермаса, эркак ниятига етолмайди.

Эрингизга келадиган бўлса. Сиз опажон эрингизни севмайсиз. Ҳа! Сиз эрингизни ўзингизга муносиб деб ҳам билмайсиз. Чунки эрингиз сизга ўхшаган гўзал ҳам эмас экан. О. акангиздек топармон ва у кишидек чиройли кийимлар ҳам киймас экан. Сиз чиройингизга ишониб келкайиб кетгансиз. Чунки сизнинг атрофингизда хушомадгўйлар кўп бўлганлиги туфайли сиз ўзингиз-

га ортиқча бино бериб юборгансиз. Мен сизнинг кўп гапларингизга ишонмайман, сиз ўзингизни оқламоқчи бўлиб ёлгон ишлатгансиз. Мен фақат эрингизга ачинаман ва ғазабланаман. Чунки эрингиз сизга ортиқча эрхонлик бериб юборган. Сизни ва сизга ўхшаган гўзалларни тизгини маҳкамроқ тутиш керак. Дунёда ишончли эркаклар қолмаган. Ҳаммаси кимнидир илннтришга ҳаракат қилади. Айниқса, мансабдорлар.

Сиз бўлсангиз опажон, тиконни билиб туриб босгансиз ва ўзингиз унинг уйига боришга қаршилик ҳам кўрсатмагансиз. Қилғилишни қилиб қўйиб энди виждон азобида қийналяпсиз.

Ҳўп, эрингизга барча гапларни айтдингиз дейлик. Ўзингиз эрингизнинг сизни нима қилишини билар экансиз. Эрингиз сизни тушунса

яхши, тушунмаса-чи. Эрингиз сизга хиёнат қилса нима қилардингиз? Қани айтинг, нима қилардингиз?

Сиз мендан хафа бўлманг. Ҳозирги кунда энг камёб, энг тансиқ нараса бетга айтилган тўғри сўзидир.

Мен сизга маслаҳат беролмайман. Фақат мен бир нарсани биланам ва бунинг сиз ҳам билишингизни хоҳлайман. Гўзалларнинг гўзаллиги ўз қадрини билмоқдир. Лекин мен ҳеч қачон гўзалларга ишонмайман. Гўзаллар бевафо бўлишади.

Севиб, ҳавасим йўқ мансабдор,

бойга

Зинҳор қизикмадим ташқи

чиройига.

Юлдузга айланмас бирортаси

ҳам

Кўз юмгач, қўшилиб кетади

лойга.

Одилжон Аҳмедов

ТошФАРМИ толиби.

СИЗГА БИР ШЕЪР

БАҒИШЛАДИМ

"МЕН СЕНИ

СЕВАРДИМ, БИРОҚ"-

19-сон

Севги шу қадар нозикки, ҳаттоки янги чиққан ниҳолни ҳам ундан нозик эмаслигига икдор бўлса, муболага бўлмаса керак. Шу боис Абдумалик сиз ҳам севгингизни тиклашга ҳаракат қилинг. Чунки, севгига етишиш ҳам, етишмаслик ҳам тақдирга эмас, балки ҳар кимнинг ўзига боғлиқ. Аксинча ҳижрон азоби бошқа бир савдоларни бошингизга солиши мумкин. Агарда севгингиз ҳали ҳам сиз каби сизни севса, ота-онасининг буйруғи билан бошқа йигитга турмушга чиқса, севгингиз сақланиб қолади, лекин муҳаббат иккинги сиз қалбингизда армон бўлиб яшайди. Абдумалик, қалбингизни қийнаётган муҳаббатнинг ўша армонли ўтмишини ушбу шеър билан ифода этгим келди.

АРМОН

Кунларим бефайз, тунлар беуйуқ, Дилимда армон, юракда қайғу, Қўлимда бўлсаиди, хушнавво чалғу, Кўнглимда зоримни қуйлардим жўшиб, Қўйиққа аламу-армоним қўшиб.

Кўп, узоқ термулиб олис фалакка, Илтижо айлардим етмоқ тилакка, Муҳаббат хос экан асли эртакка, Бу севги дорига нечун илдиндим, Гоҳида куюниб, гоҳи тилдиндим,

Садоқат кўрмадим, еру-фалакда, Чин вафо йўқ сира ёру-малакда. Севгимга вафодор, содиқ қолардим, Сохта дил эмасдим, манғу ёнардим.

Муҳаббат торини чертдим садо деб, Мен севдим, севдилдим, чин сўз вафо деб, Тушадийн ўтдим, ойдин кечалар, Ваъдалар, вафолар ёлгон кечалар.

Собир МАТКОМИЛОВ,

Фаргона вилояти.

Беширик тумани

ОНАНГИЗГА АЧЧИҚ ҚИЛМАНГ

"МЕН КИМГА СУЯНГУМ"-24-сон

Сиз ота-онангизга суйнинг. Улар сизни оқ ювиб, оқ тараб улғайтиришди. Угай отангиз яхши инсон бўлса керак, сизни бошингизни силаб, меҳр берган, ўзини ўғайлигини билдирмаган, шу билан бирга онангизни ҳурмат қилган, яхши кўрган.

Агар сиз ўзингизни отангизга керак бўлганингизда, у аллақачон сизни топиб олган бўлар эди.

Онангизни маслаҳатига кулоқ солинг. Чунки онангиз аччиқ қисматни ўз бошидан ўтказган, сизни ҳам бахтсиз бўлишингизни истамайди. Онангизни отангиз ҳақда сўроқлаб қийнаманг. Ўзингизни отангиз ўғайлигини билмасдан олдин қанақа юрган бўлсангиз, шунақа бўлишга ҳаракат қилинг.

Беғоналарни гапига кулоқ солманг. Бахтингиз ҳали олдинда. Турмуш ўртоқ танлашга шошилманг. Онангиз билан кўпроқ маслаҳатлашинг ва онангизга аччиқ қилманг. Ҳеч қандай она боласига ёмонликни раво кўрмайди.

Ўтирган қиз ўз ўрнини топади. Сиз бу дунёга яшаш учун келгансиз, умрингиз узоқ бўлсин.

Э. ШУКУРОВА.

ФАРЗАНДИНГИЗНИ ХОР ҚИЛМАНГ

"ЧОРА ТОПОЛМАЙ ҚОЛДИМ"-24-сон

"Мадина билан ёшлигимиздан танишман, у билан тез-тез учрашиб севишиб юрардик, уни ўзимни маликам деб билардим", деб ёзибсиз. Шу билан биргаликда Мадина ҳам сизни жуда севган, у сизга жуда ишонган. Сиз уни қаерга тақлиф қилсангиз, у сиз билан бирга бўлган, у ўзини сизга бағишлаган. Сиз эса бир беғона йигит билан гаплашиб тургани учун бирдан кўнглингиз ўзгариб, бошқа қиз Нигора билан танишибсиз. Қани сизнинг йигитлик гурурингиз, севгингиз?

Мадина сиздан ҳомилдор экан, Сиз аллақачон мустақил ҳаётга ўзингиз билмаган ҳолда қадан қўйгансиз. Бизни сизга маслаҳатимиз - Нигорага бор ҳақиқатни тушунтириг, уни алдаманг. У агар ақлли, келажакда бахтли бўлишини хоҳласа сизни тушуниб тўғри хулоса чиқариб олади. Чунки сиз севгига жуда енгил қараркансиз, Нигорадан кейин яна бошқа қизни севиб қолишингиз мумкин. Сиз Мадинани бахтли қилишингиз керак, бўлажак фарзандингизга оталик қилиб бахтли яшашингиз керак, бахт ўз қўлингизда.

Агар ота-оналаринг илгаридан оилавий дўст бўлишса ва улар ўқимишли, ақлли, келажакда бахтли бўлишини хоҳласа сизларни тўғри тушунишади ва чиройли тўй қилиб беришади.

Беҳруз, сиз энди ёш бола эмассиз. Сиз энди ўзингизни эмас, болангизни келажак авлодингизни ўйлашингиз керак. Болада нима айб?

Агар сиз Мадина билан фарзандингизни хор қилсангиз, Оллоҳ сизни тирноққа зор қилади.

Эльсара, Феруза,

Қашқадарё вилояти,

Шахрисабз тумани.

ШАБРИКЛАР ВА ЭЪЛОНЛАР

Хурматли Абдуқодир САНГИРОВ!

Сизни таваллуд кунингиз билан тариклаймиз. Узоқ-умр, саломатлик тилаймиз. Оилангизга бахт, омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Оиламиз номидан ФАРИДА



Хурматли Салима опа Ташхажаева!

Сизни қутлуг 50 ёшингиз билан табриклаймиз. Сизга ва оилангизга бахт-саодат, сихат-саломатлик тилаб, уқангиз, синглингиз ва жиянларингиз

ЭЪЛОН

Дўмбирободда, Наққошлик 1-тор кўчада 12-уй сотилади. (4 хона, 3,75 сотих ери бор).

Тел: 77-78-95

Гиеҳлар ёрдамида озиш, семириш, ажинлардан фориг бўлишга ёрдам берамиз.

Тел: 199-31-68. 125-13-93. 46-49-54.

«ДИЛОРОМ»
ўқув маркази тақлиф этади:
2 ойлик:

1. Компьютер билимлари.
2. Замонавий бухгалтерия ҳисоби
3. Зардўзлик - бухороча
4. Тикиш-бичиш, моделлаштириш.
5. Аёллар устки кийимларини тикиш-бичиш, моделлаштириш.

3 ойлик:

1. Компьютерда бухгалтерия ҳисоби
2. Инглиз тили (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун)

Манзил: Абай кўчаси, 4 "А"-уй, 1-қават, 115-хона
Тел: 144-58-34; 58-48-50.
Мўлжал: "Алишер Навоий" метро бекати.

БАХТИМНИ ТОПСАМ...

Ҳамма қизлар қатори мен ҳам бахтни орзу қилиб турмушга чиқдим. Келинлик либосида товланиб, одамларнинг ҳаваси келгудек янги ҳаёт бошламоқчи бўлдим. Лекин чучварани хом санаган эканман. Бахтим чипкача чиқди. Тўйим бўлгандан сўнг, қай-нағачим болалари билан эридан ажрашиб келди. Ҳаммаси шундан бошланди. Мени бахтимга ҳасад қилиб, ҳаммага ёмон кўрсата бошлади. Ҳар га-пида жеркиб, - "сен эринг кўйинида юрибсан, мен ёлғиз яшаяпман", - деб таъна қилар эди. Ҳаттоки биз (турмуш ўртоғим билан) яшайдиган уйга кўчиб кириб олди. Хоналар 2 талаги учун биз 1 хонада яшай бошладик. Шунга ҳам чидадим. Лекин ҳали олдинда бундан ҳам ёмон машалар борлигини билмасдим. Хуллас 8 ой яшадим, личоқ бориб суякка қадалди, бўлмади, ажрашдик. Энди эса ҳақиқий бахтни ахтараяпман. Ҳазим 21 ёшдаман, касбим тикувчилик. Аёлларга хос бўлган ҳамма иш қўлимдан келади. Оллоҳ "излаганга имкон бераман" деган. Мен ҳам умид билан мактуб йўллаяпман. Ҳазим очик кўнгли-

ман. Араз, гина нималигини билмайман. Яхшилик қилишни ёқтираман. "Хунардан унар" мақолига амал қиламан. Болалар жону дилим.

Ҳазимга мос келадиган ростгўй, ҳалол, меҳнатқаш инсон билан турмуш курсам дейман. Ниятим, болаларни севадиган меҳрибон ота, вафодор эр, ҳаётдаги сафдошимни топиш. Иложи бўлса ёши 35 дан ошмаган бўлсин.

Ҳазимга кўнглимиз ҳиснида эмас, қалбда бўлсин. Шуларни маъқул топган йигит бўлса, танишайлик, зеро менга ўхшаб ўз тенгини излаганлар кўп-ку.

Мактубингизни "Оила ва жамият" манзилига жўнатиш, улар менга йўллашади.

Н.Р.,
Тошкент шаҳри

ОИЛА-532

Тошкентлик, ўз шахсий уй-жойига эга бўлган, оиласини моддий томондан тўлиқ таъминлашга қурби етадиган 40 ёшли эркек 30-32 ёшли қиз ёки аёл билан (1 нафар фарзанди бўлса ҳам майли) оила қуришни хоҳлайди.

«ОИЛА ВА ЖАМИЯТ»
ЎГИТНОМАСИ



ТЎРТЛИКЛАР

Ортингдан эргашса жажжи қизалоқ, Кетимдан юрма деб нега урасан. Ранжитма қизларни эртадан кейин, Уларни кетидан ўзинг юрасан.

Пайғамбар суннати никоҳ ўқилар, Никоҳда айтишар қўша қаринглар. Шайтон кўрпасага қўлин тижармиш, Бошқа-бошқа ётса эру хотинлар.

Сабр косанг тўлиб кетса лиммо-лим, Эй олам сарвари, менга қулоқ сол. Дуч келган кимсага тўкабермагин, Унинг косаси ҳам бўшмас эҳтиمول.

Зокиржон ҚОСИМОВ
Андижон вилояти.

«Оила ва жамият» - ни изласангиз

Тошкент шаҳар «Матбуот тарқатиш уюшмаси» акциядорлик жамияти «Оила ва жамият» газетаси муштарийларига газетанинг шу йил ичидаги утган ҳамда янги чиққан сонлари қуйидаги «Рўзнамалар» дўконларида ҳаммиша сотилишини маълум қилади:

Навоий кўчаси «Ўрда» бекатидаги 164- дўкон.

Абай кўчаси «Пахтакор» метро бекатидаги 214-дўкон.

Навоий кўчаси «Ҳамза» театри бекатидаги 181-дўкон.

Навоий кўчаси «ГУМ» автобус бекати 185-дўкони.

Навоий кўчаси «Марказий телеграф» бекати 178-дўкони.

Сағбон кўчаси «Чорсу» бозорига кириш қисмидаги 191-дўкон.

«Чилонзор» метро бекатидаги 300-дўкон.

«Халқлар Дўстлиги» метро бекати «Олмасор» магазини ёнидаги 286-дўкон.

Фарҳод кўчаси «Супер маркет» магазини ёнидаги 270-дўкон.

Буюк Турон кўчаси «ДУМ» магазини бекатидаги 8-дўкон.

Буюк Ипак йўли кўчаси «М.Горкий» метро бекатидаги 84-дўкон.

ИТ АҚЛЛИ БЎЛСА...

Аёлларнинг эрларига нисбатан рашқ туйғуси ҳақида гап кетганда ёдимга Зубаржад хола айтиб берган мана бу воқеа келади:

- Ўшанда олтинчи йиллар эди. Учинчи фарзандимга ҳомиладорлигимнинг олтинчи ойлари... Раҳматли эрим жуда улфати йигит бўлганидан, куни кўчада ўтар, уйга кеч келар ёки умуман келмай ҳам қўяверарди. Мен ҳам унинг бундай тараллабебод ҳаётига кўникиб қолгандим.

Шу пайтларда қишлоғимизга бир татар муаллими кўчиб келди. Қўни-қўшилар эрим мана шу Гулчехра муаллима билан дон олишиб юришини тез-тез менга хабар қила бошлашди. Ичимга гулгула тушди. Агар ҳаракатимни қилиб қолмасам, уч болам билан қолиб кетадиганга ўхшаб қолдим. Қўшни аёллар шу кеча пойлаб бориб, икковини ушлаб олишингиз мумкин деб йўл-йўриқ кўрсатишди.

Тун яримлаган пайтда болаларимни ухлатиб, секин кўчага чиқдим. Кеча ойдин. Кўчада зог ҳам йўқ. Гулчехра яшаётган уй бизниқадан ўн уйлар нарида эди. Шунинг учун бир ўзим қўлимга таёқ-паёқ олмай ҳам йўлга тушдим. Ўн қадамлар юрмасимдан кўчага бир ит югуриб чиқди ва қўла бўлиб ётиб олди. Итти танидим. Меҳри холанинг ити. Секин номини айтиб қақирдим ва дадил-лабланиб итти айланиб ўтиб кетмоқчи бўлдим. Ит бошини кўтариб ириллаб берганди, жойимда қотдим. Ит танимади шекилли деб, номини айтиб эркаладим ва йўлда давом этмоқчи бўлдим. Аммо ит яна ириллаб берди.

Мен орқамга қайтишга мажбур бўлдим. Уйга кириб, ўн дақиқалардан сўнг яна йўлга чиқдим. Ит кўчада кўринмасди. Хайрият, деб йўлга тушдим. Аммо, Меҳри холанинг дарвозасига етар-етмас ит яна кўча ўртасига югуриб чиқди ва ётиб олди.

Бу ҳол яна икки-уч маротаба такрорланди. Итга деб олиб чиққан нонларимга қайрилиб ҳам қарамади. Аксинча, овозини кўтариб хўра бошлади. Қўрқув ва уятдан уйга қараб қочдим ва эрим ҳамда итдан тортиган алаимини йигидан олдим.

Эртаси куни Меҳри холаникига чиқиб, ити кечаси мени йўлдан ўтказмаганини айтиб бердим. Хола аввалгига роса кулди. Кейин эса:

- Қара, шу ит ҳам сендан ақлли экан. Сени ўтказиб юборганида нима бўларди? Биринчидан, эринг у ерда бўлмаганда изза бўлиб қайтардинг. Эринг уникада бўлганида изидан пойлаб юрганинг учун жаҳли чиқарди, агар кайф устида ўтирган бўлса қорнингга тепиб юбориши ҳам мумкин эди. Оғироёқ нарсадан, бола ташлаб қўярдигин. Итми тўғри қилибди. Эринг минг юргани билан барибир сени, фарзандларингни ташлаб кетмайди. От айланиб қозигини топади. «Отга солган айилман, пешонамга қойилман», деб юравер.

Шунинг учун ҳам қизларим эрини рашқ қилиб қолганида мана шу воқеани айтиб бераман. Эрларинг қамоқхона маҳбуси эмаски, уйдан чиқмай ўтирса, деб урушиб бераман...»

Оллоёр БЕГАЛИЕВ

Лойли СУВ - ОМАДСИЗЛИК

Болалигим ўтган қишлоқда ҳовлининг ён бағри банд қирликлар, тепаликлардан иборат эди. Шунингдек ҳовлимиздан 50-60 метр чамаси наридан катта Шовот сув канали ўтарди. Шу сабаб ҳар йили баҳорда кучли ёмғир, жала, дўл туфайли қишлоқни ахён- ахёнда сел олиб турарди...

1996 йилнинг баҳор фасли охири... Туш кўрдим. Бирданига осмонни қоп-қора булут қоплади. Қаттиқ ёмғир жалага айланиб дўл ёға бошлади. Ҳамма одамлар югурганича тепаликка чопаяпти. Мен ҳам югуриб, ҳадиксираб тепаликнинг банд қоясига чиқиб олдим.

Бирданига Шовот каналини тўлдириб, ҳайқириб тезкор оқимда ёмғир сели кела бошлади. Одамларнинг бақир-чақирини, ҳайқирини оламини тўтиб кетди. Бир пайт бошим айланиб банд қоядан баҳайбат Шовот каналининг ўртасига тушдим. Ҳар қанча уринмайин, қанчалик талпинмайин сап-сарик лойка, кучли оқимдаги сел сувидан чиқа олмасдим. Ҳеч ким ёрдам ҳам бера олмади. Лекин, сув қанчалик баҳайбат, тезкор бўлмасин 30 метр масофадан узоққа оқизмасди.

Қўйналиб, бақириб, базўр сувдан чиқиб олдим. Ҳамма одамлар «қахрамонлик» кўрсатган пахлавондек мени севинч-ла кутиб олди.

Қаттиқ бақиргимдан кўрқиб ўзим ҳам, оилам ҳам уйғониб кетдик... Бирдангина ташқарига чиқдим. Осмон кўм-кўк... беғубор... юлдузлар чарақлаб турибди. Ҳаво тоза ва майин... 3-4 марта калима қайтардим. Хонага кирсам аёлим безовта. «Сизга нима бўлди. Биров билан уришиб қолдингизми? Уйқунгиз тушида бирор қор-ҳол бўлди?» Рангингиз ҳам ўзгариб кетибди», - деди.

«Ҳеч нарса-ўзим ҳам билмайман-эслотмайман», - дея сир бой бермадим...

Орадан кўп вақт ўтмасдан ўзим учун энг севикли иш жойим, мартабали лавозимимдан кесиб айландим.

Бу-ўша банд тепаликлар, қоялар... Ундан йиқилиш эса мансаб...

Сел бўйидаги минглаб одамлар халқ экан. Унинг ўша жараёнда менга ёрдам бера олмаслиги сел сувининг лойкалиги, ҳайқирғу шовқин суронлар эса менинг тўғримдаги халқ орасидаги ҳар хил ёмон гап-сўзлар...

Осмондаги қоп-қора булутлар... Бу эса уч йил давомида ҳар қандай улғувор ишга қўл урмайин охирига ета олмаслик, натижасизликлар...

Лойли сел суви эса - бу бутқоқлик... Шу уч йил давомида анча қараларга ҳам ўралашиб қолдим. Сел сувининг 30 метр масофадан узоққа оқизмаганлиги - бу уч йиллик анча-мунча ҳаётнинг қийинчиликлари экан. Сувдан чиқа олиш бу саломатлик.

Ўқтамжон ПРИМОВ,
Хатирчи тумани

ҚИЗ ЎЗИНГИЗНИКИ, КЕЛИН ЎГАЙМИ?

ТУРМУШ САБОКЛАРИ

Мени ёшим 25 да, икки нафар фарзандим бор. Мен ўзимни кўпдан буён қийнаб юрган бир дардимни мухлислар эътиборига ҳавола этишни лозим топдим. Аввало, ҳар бир ота-она фарзандини яхши ниятлар билан камолини, бахтини кўрай деб вояга етказди. Мени ҳам ота-онам бир олам эзгу ниятларда турмушга беришганди. Дастлаб кўни-кўшинлар "яккаю ягона ўғил экан, кейин қийин бўлмасмикан" деб қаршилиқ қилишди. Аммо, онам ҳаммаси ҳам шунақа бўлавермас керак, деб соддадиллик билан узатди.

Тўй ҳам бўлиб ўтди. Мени у ерга кўниқилишим жуда қийин бўлди. Чунки, биз оилада кўпчилик эдик. Мен тушган ерда эса бир қиз, бир ўғил эди. Қайнота-қайнонамлар камчилик бўлишгани учун кўпчиликни унча хушламас эди. Қайнэгачим турмушга чиққанлар, лекин ҳар уч кунда бизниқига келади. Гўёки, турмушга чиқмагандек. Уларни кўриб мени ҳам ота-онамниқига боргим, қариндош-уруғларимни кўргим келади. Аммо, қайнонам мени йигирма кунда зўрга уйга юборади. Агар қизи уч кун уйга келмай қолса, дарҳол ойижоним уларга телефон қилиб: "Қизим, тез етиб кел. Ахир келмаганимга 3 кун бўлди, ҳаммамиз сени соғиниб кетдик. Нима оқват қилдириб қўяй, иложи бўлса ётадиган бўлиб келгин", дея тайинлайди. Кунларнинг бирида дадам касал бўлиб қолиб, менга уйдагилар телефон орқали хабар беришди. Мен, ойижонимга уйга бормасам бўлмаслигини, дадам бетаб эканлигини айтдим. Аммо, улар яна уч кундан сўнг йигирма кун бўлишини айтиб, қатъий оҳангда уч кундан сўнг жавоб беришини айтди. Мен индамай қолавердим... Эрим уйда катта роль ўйнамади, бирор нима демас, "мен ҳеч нарса дея олмайман" дейди. Бу гап сўзлардан баъзан сиқилиб кетиб, "бизларни боғ-роғларга

айлантириб келинг болалар билан бирга", дедим бир гал. Улар рози бўлиб ойижонимдан сўрабди. Ойижоним бўлса: "Учир овозингиз, мен ўлганимдан кейин оборасан боғ-роғларга" деб айтибди. Гоҳида эр-хотин бирга гаплашиб ўтирсак ҳам қайнонамнинг гаши келиб мени ўтирган жойимдан турга-

Тақиб кўраётсам: "Вой, кимга олиб келдингиз?" деб қайнонам келиб қолди. Қайнотам дарҳол: "Қизингга", - деди. Бу гапни эшитиб қайнонам: "Ие, қизимни нарасанини ҳар кимга тақтиравмангидо... Қизингиз битта, ахир", - деди. Шу хангоманинг устига қўшимиз Фотиما хола чиқиб қолди ва менга бир қараб,



зиб юборади: "Қачондан буён эр-хотин гаплашиб ўтирадиган бўлиб қолдилингиз, қани тез ўрингиздан туриб ишингизни қилинг" дейди шартта. Ахир, ўғиллари билан инок бўлсак ёмонми? Баъзан оқватланиб ўтирганимизда қайнотам менга: "Келин, оқватдан олинг" деса балога қолиб кетади. "Бу ошхонада кун бўйи еб-ичиб юрибди, сиз "ол-ол" демасангиз ҳам, намунча унга гапирасиз" деб ойижон дастурхон бошидан туриб кетади. Бир кун қайнотам билан кузук олиб келибди ва менга: "Келин, мана буни тақиб кўринг", - деди.

қайнонамга бир қараб: "Нафисахон, келин ҳам биронинг азиз фарзанди. Овқатингизни қилса, кирингизни ювса, уйингизни супириб-сидирса, қизлиги шу эмасми? Маҳаллада ҳамма келинлар доим кўчада гап сотиб туришади, аммо бирор марта ҳам сизнинг келинингизни кўчада турганини кўрган эмасман. Узингизни қизингиз кўнда келиб кетадиган, ахир келинини ҳам ота-онасиникига юбориб туринг. Ҳадисда ҳам бу нарсалар ёзилган-ку", - деди. Бунга жавобан ойижоним: "Фотима хола, сиз бизниқига келинимни айтгани чиқдингизми?"

Келин бўлгандан кейин қилади-да, кириням ювади, уйиням ишини қилади... Жаа бўлмаса, ўзим қиламан, Худого шукр, белимда кучим, билгимда қувватим бор", деди. Бу гапларни эшитиб эшитмасликка мажбур бўлдим, негаки мен ҳам оилалиман, тинч яшашим келади. Онам бизниқига меҳмон бўлиб келса, қайнонам унча хушламайди. Ҳаммадан ҳам алам қиладиган жойи шуки, болаларим кўп маҳал "адамлаб" эси кетади. Улар эса болаларига эътибор ҳам бермайди. Ло-акал фарзандига битта дона конфет ҳам илинмагани жон-жонимдан ўтиб кетади. Қайнонам-ку майли, шунча йилдан буён бирор марта менга миннатдорчилик билдириш у ёқда турсин, ҳатто уйимга бориб келишга зўрга рухсат беради, аммо турмуш ўртоғим-чи? Устига устак қайнонам доим уйдаги бор нарсани қизига бериб юборади. Нима эмиш: "Кўзим очиклигиде боламга бериб турайлик. Кейин булар берармиди?", дейди. Мен ҳеч нарса демасман, аммо ичимдан зил кетаман. Назаримда, биз олдагилар фақатгина қайнэгачим учун яшаймиш... Уйимдаги бу каби кўнгилсиз ҳолатлар мени баъзида тўйдириб юборади. Ахир, қайнотамни, қайнэгачимни ҳурмат-иззатларини жойига қўйсам, нима учун улар яна мени тушуноммайди деб сиқиламан. Ҳамма вақт орадаги тўсиқ борлигини кўраман. Тузилган кунларни уларнинг якка ўзлари нишонлашади, менинг қариндошларимни меҳмонга айтишни "ёддан чиқаришади"... Қайнона- иккинчи она дейишади. Аммо, мана мен ойижоним-иккинчи онамнинг қилиқларини бор бўйича қорозга туширдим. Айтинг-чи, уларнинг қилаётган ишлари тўғрими, нима учун қиз фарзанду, келин бегона?... Маслаҳатларингизни умидворлик билан кутиб қоламан, зора бу гапларни ўқиб қайнонамга ҳам инсоф кирса...

Тошқентлик Д.

Болалар боғчасида тарбиячи бўлиб ишлайман. 3 та фарзандим бор, ҳаммаси ўғил. Катта ўғлимни уйлантирганман. Ёшим ҳам 43 да. Албатта мени ёшимдаги аёлни бу мактубни ёзиши уят бўлсада ёзмасликни ҳам иложи йўқ. Эрим олийгоҳда ишлайдилар. Ҳаётим, оилам тинч яшаб турган бир пайтда, эримга хиёнат қилдим ва бу ҳозирга қадар ҳам давом этмоқда. Сабаби аёл киши кийим-кечакка, тилло тақинчоқларга ўч бўлади. Яхши кийинишни, яхши ейишни хоҳламаган аёл йўқ. Мен ҳам оддий тарбиячиман, бир ойлик маошим ҳаттоки бир қостом ёки бир яхши материал олишга ҳам етмайди. Бу одам ўша 4 йил аввал ҳаётимга кириб келган. У мен ишлайдиган боғчанинг олдида катта бир хусусий фирманинг бошлиғи. У ҳам оилали, болалари бор. Ёши ҳам 49 да. Аввал бир-икки учрашиб юрдик, кейин бир-биримизга қаттиқ боғланиб қолдик. Мен доим орзу қиладиган яхши кийимлар, қимматбаҳо тақинчоқлар, яхши ейиш учун катта пулларни берар экан, мен бундан хурсанд эдим. Гўёки қилаётган ишимни ҳеч ким кўрмаётгандай. Бу одам қандай янги кийим чикса-пальтоми, костюмми, материал, тўфлими-кўйинг-ки, ҳаммасини олиб берди. Қўлларим бир умр тилло нималигини билмаган эди. Қўлимга, қўлогимга, бўйнимга бир эмас бир неча марта қатор-қатор тилло зеб-зийнатлар олиб берди. Мен у олиб берган кийимларни кийиб тилло тақинчоқларни тақиб, ял-ял ёниб, хурсанд бўлиб юравердим. Лекин яқинда, аниқроғи бундан 8 ой олдин ўғлимни уйлантирганимдан кейин, бу қилаётган ишларим нотўғри эканлиги, энди қудаларим олдида агар улар бирор бир нарсани сезиб қолишса, ўғлимни ҳаётига ҳам қаттиқ таъсир қилишини биллиб мен у киши билан яхшиликча алоқамни узишни айтдим. Лекин у кўнмади. Уғлимни тўйи учун ҳам яхшигина катта пул сарф қилган эди. Ўйлай-ўйлай мен унга: "Менга сарф қилган пулларингизни сизга қайтараман, агар истасангиз тилхат ёзиб бераман, фақат энди орамиздаги муносабатларимизни тўхтатайлик", - де-

дим. У эса: "Сиз ўйлаганчалик номард эркак эмасман. Бундай ишни энг пасткаш, номард эркак қилади", - деди.

Кунларнинг бирида мен у билан яна кўришдим, яна ўша гапни қайтардим. Йигирмадан-сиктадим. Аёл кишини кийимга, пулга кўзи тўймаслиги бошига бало келтирар экан. Шу кунни мен ундан янги чиққан костюм, яна бир-иккита нарса олиб беришини сўрадим. Биз уч кундан сўнг Отчоплар бозорига бординдик. Лекин мени афсуслар бўлсинки, шу кунимга лаънатлар айтаман. Бозордаги нарсаларни кўриб кўзим камашди. Аввал 46 мингга пальто, 19 мингга плаш, 14 мингга этик, битта 5 минг сўмлик, битта 4300 сўмлик тўфли, 18 мингга костюм, 12 мингга кўйлак ва яна бошқа майда-чуйда нарсалар олдик. Мен буларни пулни бежиз ёзмадим. Бозорларни қилиб иккаламизни ҳам қўлимизда катта сумка, олиб берган нарсаларидан хурсанд чиқиб келар-ётсак, не кўз билан кўрайки, қудам сизилгиси билан келяпти. Узоқдан мени таниди. Биз сўрашдик, ёнимда бу одам...

У: "Мен машинага чиқиб тураман", - деб кетди. Қудам ҳайрон бўлганча менга қараб қолди. Уша кунги 137 минг сўм с а р ф л а б қилинган бозор мени бир умр адоий-тамом қилди. Энди ҳаммасидан тўйиб, "бўлди ортиқ чидай олмайман", - деб у одамни олдида яна бордим. "Мендан нима истасангиз тайёрман, лекин энди ҳаммасига нукта қўямиз", - дедим. Ахир ёш бўлмасам, уни устига қорачадан келган аёлман, чиройли ҳам эмасман. У киши эса: "Йўқ, агар мен билан учрашмасангиз эрингни олдида б о р м ай м а н, кўркма. Лекин қудаларингни олдида бориб ҳаммасини очиб ташлайман", - деди. Бошим қотиб ўша ерда "дод" дедим. Айбим нима? Ахир мен ҳам аёлман: яхши кийингим, чиройли юргим, катта-катта егим келади. Эрим менга шу шароитни қилиб бермагандан кейин мажбур шу ишни қилганман. Эримдан тиланчига ўхшаб "менга пулган нарсаларидан хурсанд чиқиб келаринг" ёки "уйга мана буни олиш керак", деб зорланишларим, пул сўрашларим жонимга текканидан шу йўлга қадам қўйдим. Лекин энди ҳозирги кун-

ҚАНДАЙ ҚИЛСАМ УНДАН ҚУТУЛАМАН



беринг" ёки "уйга мана буни олиш керак", деб зорланишларим, пул сўрашларим жонимга текканидан шу йўлга қадам қўйдим. Лекин энди ҳозирги кун-

да минг-минг пушаймонлар чекиб нима қилишни билмай қолдим. У менга ҳозир 2 та шарт қўйяпти. Биринчиси: "Мен билан учрашиб турсан, орамиздаги алоқа давом этади. Мен сенга ҳозирча бехисоб пул сарф қилган бўлсам яна ўшандай истаганингча мендан талаб қилаверасан. Иккинчидан, агар йўқ десанг менинг эринг билан ишим йўқ. Чунки эринг эркак эмас. У агар ҳақиқий эркак бўлганда эди, сени хиёнатингни аллақачон сезган бўларди. Шунинг учун эринг билан мени ишим йўқ. Тўғри қудаларингни олдида бораман-да, ҳаммасини айтман. Ана ундан сўнг сен билан қайта учрашмаймиш. Мана шу икки йўлдан бирини танла" - деб шарт қўйди. Мен "ундан кўра олиб берган нарсаларингизни қайтариб берай, берган пулларингизни ҳам тўлайман. Фақат мени тинч қўйинг" - деб оёқларига йиқилиб йиғладим. У эса бошида ёзган гапларини қайтарди-да ва яна: "Сенга сарф қилган пулларим аллақачон чўнтагимдан, ҳисобимдан чиқиб кетган. Сен ўйлаганчалик пасткаш, ҳезолак эмасман", - деб ўша ерда мени уриб кетди. Мен у одамни ҳам айбаламайман. Чунки у менга мен истаган ҳаётни (кийим-кечак, зебу-зийнат, пулар...) берди. У баъзи бир эркакларга ўхшаб бир марта олиб берган нарсасини миннат қиладиган ёки берган арзимас пулини пешонангга таъна қиладиган эркаклардан эмас. Шу томонларига қараб мен уни ҳақиқий мард инсон дейман. Лекин... мени шайтон йўлдан урди, энди эса нима қилишга ҳайронман. Азизлар, менга қўйган иккита шартни учун нима десам, нима қилсам бу азоблардан қутуламан. Агар қудаларим бу гаплардан оғох бўлишса ўғлимни оиласи бузилади, ўғлим эса ўзини бир нарса қилиб қўяди. Айтилган, мен нима қилай, қандай йўл тўтсам тўғри бўлади. Ё ўғлимга ҳаммасини ўзим айтмайми, бу хатни қон йиғлаб сизларга ёзмақдман. Маслаҳатларингизни газета орқали интизорлик билан кутиб қолувчи, юраги тилка-пора бўлиб қуйиб қул бўлган аёл...

Х.

ЭСДА ҚОЛАДИГАН КУНЛАР



ликда хиргойи қилади. Санъаткор ўз мухлислари кўнглини топиш учун яхши кўшиқ яратиши зарур. Халқнинг кўнглини олиш, халқнинг оғзига тушиш, одамларни ўзига қаратиш, уларнинг дардига шерик бўлиш осонмас. Бу жуда катта меҳнат, ихлом ва энг аввало масъулятни талаб қилади.

- Кўшиқларингизга ўзингиз куй басталайсизми?

- Яхши кўшиқ аввало куйи билан ажралиб туради. Бунинг учун албатта кўшиқча куй танлашда адабмаслик зарур. Бастакорлар Қахрамон Комилов, Аҳмадхон Дадаев, Бахшўла Лутфуллаевларнинг басталаган куйлари менга ёқади. Шунинг учун мен бу бастакорлар билан ҳамкорлик қиламан.

- Санъаткорлар ҳам қайсидир санъаткорнинг мухлиси бўлса керак?

- Тўғри айтасиз. Биз санъаткорлар ҳам кимдир устоз деб биламиз. Мен Марям Сатторова, Насиба Сатторованинг кўшиқларини эшитиб ҳам дам оламан, ҳам кўнглим ўсади. Бу жозибадор овоз соҳибаларининг кўшиқ куйлашидаги нолалари ҳар қандай кишини ўзига мафтун этади.

- Ҳаётни севгани, муҳаббатсиз тасаввур қилиш қийин...

- Кўшиқчининг ҳам кўнгли бор. Менга ҳам кўп севиги ихзор қилишарди. Ҳеч эсимдан чиқмайди. Дафтар, китобларимдаги ёзувлар. Дафтарни очгани ўртокларимдан уялганимдан синф ишини икки варақча ёзишга мажбур бўлардим. Лекин санъаткор бўламан деб бу гапларга эътибор бермасдим. Ёшим улғайиб болоғат ёшига етганда билдимки, севиш бошқа, севилиш бошқа, момоларимиз айтишганидек, ишқ бошқа, ҳавас бошқа экан.

- Бўш вақтингизда кўпроқ нималар билан шугулланасиз?

- Бичиш-тиқишни яхши кўраман. Кўпроқ бўш пайтларимни концертдаги ҳар бир чиқишимга кийим тайёрлаш билан ўтказаман.

Бобомурод РАИМОВ суҳбатлашди.

Ёш бўлса-да, тобора танилиб бораётган кўшиқчи Раъно Ўрозбоевнинг ўз мухлислари, ўз ихлосмандлари бор. Раънохоннинг сеҳрли овози гоҳ дарёдек жўшқин, гоҳ куз ҳавосидек маъзун таралади. Яхшиси, Раънохоннинг ўзидан эшитинг.

- Мен болалигимдан кўшиқ куйлашни яхши кўрардим. Радиодан бериладиган муомтоз кўшиқлар мени ўзига ром этарди. Комилжон Отаниёзов, Маъмуржон Узоқов, Жўраҳон Султоновларнинг кўшиқларини мароқ билан тинглаб, гоҳида жура бўлардим. Ҳозир ҳам руҳимда ўша тётан кўшиқларнинг "изи" бор десаам янглишмайман.

- Биринчи бор икром этилган катта кўшигингизни эсласизми?

- Эсимда, кўшиқ шивангдаларига тақдим этиладиган менинг биринчи катта кўшигим, зал лиқ тўла одам. Хаяжонли лаҳзалар, мусиқадан адашишлар. Ҳатто кўшиқдаги баъзи бир сатрлар ёдга тушмайди. Аввалига кўрқдим. Кейин изга тушиб кетди. Ушбу воқеа Ҳаётимнинг энг азиз, энг ширин хотирасига айланиб қолди.

- Санъаткорлик кўпроқ нимани талаб қилади?

- Фидойиликни, жонкуярликни. Бу касб эгаларига қийин деб ўйлайман. Айниса, кўшиқчиларга. Чунки кўшиқ айтилгандан кейин уни неча минглаб, миллионлаб одамлар эшитидади. Бу кўшиқларни кимлардир эшитиб дам олади, кимнингдир завқига завқ қўшилади, кимдир тушунликка тушган пайти кўшиқча овунади, яна кимдир бирга-

ОҚИЛА АЁЛ-ЭРКАК УМРИНИ УЗАЙТИРАДИ

Мутахассис геронтологларнинг (кексалик, қаришнинг сабаблари ва механизмининг ўрганиш фан соҳибларининг) фикрича узок умр кўраётган кишиларга хос умумийлик шундаки, уларнинг кўпчилиги оилалидир. Эр-хотинларнинг бир қисми эса бир-бирлари билан 70-80-йил, ҳатто 100 йил никоҳда бўлишган. Кўп болалари оилалар одатда узок яшади. Масалан, бизга қўшни (пойтахтимизнинг Шайхонтохур тумани) "Катта бог" маҳалласида истиқомат қилган ва ҳаммаси бўлиб 127 нафар фарзанд-ўғил-қиз, неваралар, эвараларнинг онахони бўлган Соҳиба ая Раҳимова 107 йил-умр кўрдилар.

АҚШнинг Дюкск дорилфунуни мутахассислари 4500 киши ўртасида ўтказган тадқиқотлари шуни кўрсатадики, хотинсиз эркаклар оилалари эркакларга қараганда 1,5 баравар кўп касал бўлишаркан. Хасталик турлари ҳам аёллар дучор бўлаётган касалликларга нисбатан эркакларда 1-2 марта кўп бўлиб, улар айниқса гипертония, асабийлик ва турли яралардан азоб чекишаркан. Тадқиқотлардан маълум бўлишича, 30 йил аёл киши билан бирга яшашнинг ўзиёқ эркак умрини беш йилга узайтиради. Ақсинча, аёлсиз ёлғиз яшаш эркак умрини 10-15 фоиз қисқаришга олиб келар экан.

Мана бир мисол: аҳолисизнинг миқдори жиҳатидан жаҳонда биринчи ўринни эгаллаб турган Хитой давлати кекса фуқароларининг кўпчилиги жиҳатидан ҳам дунёда етакчилик қилади. Ҳозир бу мамлакатда ёши олтишдан ошган 117 миллион киши яшайди. Сўнгги йигирма йил мобайнида ўртача умр кўриш учдан бир баробар ўсиб, ўтган йил аёлларда-74, эркакларда-69 ёшга тўғри келди. Японияда эса, ҳозир ўртача умр эркакларда 75-85 ёшни, аёлларда эса 81-91 ёшни ташкил этар экан. Мазкур кўрсаткич билан япон аёллари олти йилдан бери, эркаклар эса беш йилдан бери дунёда биринчи ўринни эгаллаб келмоқдалар.

Республикамиздаги асрга тенгдош неча юзлаб кексаларнинг асарияти ҳам аёллардир. Масалан, Сурхондарё вилоятидаги тоғли Узун туманининг Ханжиза кишлоғида кексаларнинг кексаси Нухса момо Шарипова истиқомат қиладилар.

Момо 120 ёшга кирган бўлсалар-да, ҳали анча тетик ва бардам. Тошкент вилояти Пискент туманида яшовчи 109 ёшга кирган Робия буви Хангилова ҳақида, Фарғона вилояти Риштон туманида

нида истиқомат қилаётган, 104 баҳорни қаршилаган Салима буви Жўраева ва ўзининг табаррук 101 ёшини нишонлаган Тожинисо ая Зоҳидовлар ҳақида ҳам шу гапни айтиш мумкин.

Эркакларга нисбатан аёлларнинг узокроқ умр кўришининг сабабини Ибн Сино қуйидаги уч ҳолат билан изоҳлайди: Биринчидан, эркак кишида аёлга нисбатан куч кўп, аёл эзолида эса ҳаракат кўп, эркаклар куч-қувватларини маълум бир меҳнатга-илм ёки касб-хўнарга сарф қиладилар. Аёллар эса эрта тоғдан кекурун бўлишига қадар тиниб-тинчишмайди: уй-ўйворга қараш, супуриш-сидириш, овқат пишириш, кир-чир ювиш, болаларга парваршиш, эрга қараш... Эҳ-ҳе, аёлларнинг кундалик ҳатти-ҳаракатлари, юмушларининг саннаб саногога етиб бўлмайди. Ахир аёл кишининг жони қирқта бўлади, деб беҳиз айтишмаган, иккинчидан, табиат аёлларга фарзанд кўришдек, олий бир тўхфа ато этган, бунда аёл танасидаги қон янгиланади. Бу ҳам узок-умр кўришга замин яратеди, учинчидан, кундалик ҳаётда, турмуш тарзида аёлларнинг кўпчилиги ўзларини зарарли нарсалар ва офатлардан узок тутишади. Чунинчи, улар эркакларга нисбатан спиртли ичимликлар истеъмол қилишдан, сиёҳандлик ва чекиш кабилардан ўзларини сақлашади. Улар маишат ва айша-ишратда ҳам меъёр доирасидан чиқмасликка ҳаракат қиладилар.

Ўзининг одоби ва турмуш тарзи билан бир-бирига монанд, ички дунёси билан ташқи кўришига мунаносиб бўлган эр-хотини олтин узукка қиёслаш мумкин. Шунинг учун бўлса керак, донолар яхши, оқила хотинни соф олтин, деб таърифлаганлар. Жумладан, Саъдий Шерозий:

**Хотин бўлса қобилу ақли расо
Эрни шоҳ этар, гарчи бўлса у гадо,
деа аёлларимизни кўқларга кўтарганлар.
Табиийки, бундай аёл аввало оналик тахтига ва рафиқалик бахтига муассас бўлади. У ўзининг ширин сўзлиги, орасталлиги, интизомы ва ибодати ҳатти-ҳаракати билан силани бебайди, эрининг дардига малҳам бўлади, умрининг узайишига кўмаклашади.**

**Зайниддин ИСАМУХАМЕДОВ,
кекса журналист,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган ўқитувчи.**

БОЛАЛАРИМДА ГУНОҲ ЙЎҚ-КУ...

Хизмат юзасидан Қашқадарё вилоятининг Косон туманига бориб қайтаётганимда ёнимга тўрт нафар боласини етаклаб олган бир аёл келим: "Мен Тошкентга бора олмайман. Лекин ахволим жуда оғир. Мана шу мактубимни таҳририятингизга топширсангиз", - деди. Арзи ҳолнинг мазмуни куйидагича экан:

"Мен, Матлуба Ашурова, Қашқадарё вилояти, Косон тумани, Болта Фозилов ҳўжалигидаги Бойғунди кишлоғида яшайман. Бундан тўрт йил аввал эрим Махмадшох мени холаваччам бўлмиш Келдиёр билан "дон олишасан", деб тухмат қилиб уйимдан ҳайдаб юборди.

Ваҳолакин, эримнинг ўзи Келдиёр билан бирга юриб, бирга тижорат қилиш учун режалар тузишгаётгани. 1996 йилнинг 23 июли кунда уйимдан чиқиб кетганман, аниқроғи ҳайдалганман. Лекин ўн йиллик турмушимиз давомида отамнинг кўмағида тўрт хонали уй қурганмиз. Яхши ниятлар, орзу-умидлар билан мисқоллаб молу-дунё йиққанман. Булар у ёқда турсин, ҳатто болаларимнинг кийимларини ҳам беришгани йўқ. Мана шу кўнчалар отамнинг уйда сиғинди бўлиб яшаб юрибман. Судда бизни яраштириш учун берилган муддатларда ярашганимиз йўқ. Лекин никоҳ орқали ажрашган бўлишимизга қарамасдан ҳанузгача мол-мулкни бўлиш ҳақидаги аризаларини бефойда бўлиб қолаяпти.

АРЗИ ҲОЛ

Ахир шу уйга келганимдан буён қурган уйимдан менга ҳам, ҳеч бўлмаса тўртта болам учун ҳақ тегиши керак-ку! Тухмат балосига мен учрадим. Аммо, болаларимда гуноҳ йўқ-ку...

Маيلي, мен эрим билан турмушимизни қайта тиклайлик, болаларга оталик қилсин ҳам дейман. Лекин вояга етётган тўрт болам учун уй-жой бўлишни истайман. Қачонгача отамнинг эшигида бошимни эгиб яшайман, ахир? Яна ўн йил давомида йиққан мол-мулкимнинг ўзимга тегишли қисмини ҳам олишни, фарзандларим учун яшашга шароит яратиб берилишини истайман. Туманида менга ёрдам беришларини сўраб бошурмаган ташкилотим қолмади. Аёллар йилида мендек сарсон-саргардон аёлнинг оҳини тинглайдиган ҳам бордир,- дея "Оила ва жамият"га дардимни тўкиб солдим. Илтимос, менга ёрдам беринлар!"

Матлуба Ашурованинг аёллик-оналик бахтини туйиб яшашга ҳаққи бор, албатта. Фақат унинг ҳақ-ҳуқуқини тинглаб, дардлари-га дармон бўлиш чораларини кўриш керак, холос.

Ишонамизки, Қашқадарё вилояти, Косон тумани ҳокимлиги ҳамда ҳуқуқ органлари бу борада амалий тадбирларни қўллайдилар ва редакцияни огоҳ этдилар.

**Исоқ САТТОРОВ,
Қашқадарё вилояти муҳбири**

Оила ва жамият

Мақолада келтирилган фактлар, воқеалар, маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Телефонлар:
Телефонлар: — 133-28-20
Котибият — 34-86-91

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.
Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.35
Босишга топширилди - 21.15

ХОМИЙ
«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик жамияти

ОБУНА ИНДЕКСИ -

Рўйхатга олиш № 33
Буюртма Г-0558
33144 нусхада чоп этилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма тобқ.
Баҳоси эркин нархда.
Расом — Н. ХОЛМУРДОВ.
Навбатчи — Ф. ТОҲИРОВА.

Яқка обуначилар учун 176
ташкилотлар учун 177